

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1272-ҳадис

1272 - وَعَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَئِنْ بَقِيتُ إِلَى قَابِلٍ لِأَصُومَنَّ التَّاسِعَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [134/134].

1272. Ибн Аббос разияллоҳу анхұмодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар келаси йилгача ҳаёт бўлсам, тўққизинчи куни албатта рўза тутаман», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Мұҳаррамнинг 10-кунги рўзасига 9-кунни ҳам қўшиб тутиш суннат амалдир. Чунки Ибн Аббос разияллоҳу анхұнинг ривоятида: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро куни рўзасини тутдилар ва у куннинг рўзасини тутишга амр қилдилар. Одамлар: “Эй Аллоҳнинг Расули, бу кунни яҳудий ва насоролар улуғлайдилар”, - дейишиди. Шунда У Зот саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Келаси йил иншааллоҳ, тўққизинчي кунни ҳам рўзасини тутамиз”, - дедилар. Келаси йил бўлмасдан туриб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар”, - дейилган (Имом Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Манба: hadis.islom.uz



